

МАХСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТЎҒРИСИДАГИ № 1-СОҢЛИ КОНТРАКТ

Мархамат тумани

«5» январ 2022 й.

Бундан буён "БУЮРТМАЧИ" деб аталувчи Мархамат тумани Мактабгача таълим бўлими Номидан низом асосида фаолият олиб борувчи С.Шамшиева бир томондан ва бундан буён "ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ" деб аталувчи "Полвонтош қолипли нонлари" МЧЖ номидан Низом асосида фаолият олиб борувчи Р.Умрзоков бошқа томондан ушбу контрактни куйидагилар тўғрисида тuzдилар.

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1 Ушбу шартномага асосан Буюртмачи товарни қабул қилади ва тўлайди, Етказиб берувчи эса қуйидаги шартларга мувофиқ етказиб беради:

№	Товарларнинг Номи	Лот №	Ўлчов бирлиги	миқдори	нархи	Умумий суммаси
1	Қолипли нон (500 грамм)		дона	1985	1500	2977500
	Жами					2977500

1.2 Шартноманинг умумий суммаси **2977500** (Икки миллион тўққиз юз етмиш етти минг беш юз) сўм.

2. ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР ШАРТЛАРИ

2.1 "Буюртмачи" мазкур шартномани ғазначилик бўлини масида рўйхатга олинган кундан бошлаб 30 календар куни ичида қонунчиликка мувофиқ, шартнома умумий суммасидан 30 % миқдорида (шартнома суммасидан 30% миқдорида) олдиндан тўлаш мажбуриятини олади, қолган 70% ни товарни олгандан сўнг 10 календар куни ичида қабул қилиш-топшириш далолатномаси, ҳисоб-фактура ва б. асосида тўлайди.

2.2 "Етказиб берувчи" аванс маблағлари Етказиб берувчининг тегишли ҳисобварағига келиб тушган вақтдан бошлаб 3 календар куни ичида товарни етказиб бериш мажбуриятини олади.

2.3 "Етказиб берувчи" амалдаги ГОСТга мувофиқ товарни етказиб бериши шарт.

2.4 "Буюртмачи" товарларни қабул қилишда "Етказиб берувчи" иштирокида олинаётган товарларнинг тўлиқлигини ва сифатини савдоларни ўтказиш тўғрисидаги эълонда (буюртманномада) кўзда тутилган бошқа талабларга мувофиқлигини текшириши шарт.

2.5 Агар мазкур шартнома билан бошқа ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса, товарларни ташиш ва тушириш бўйича барча харажатлар Етказиб берувчи ҳисобидан амалга оширилади.

2.6 Буюртмачининг розилигига кўра товар муддатидан олдин етказиб берилиши мумкин.

2.7 Етказиб берилган товар бевосита Буюртмачининг масъул ходимлари томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади ва унда етказиб берилган товарларнинг миқдори, унинг сифати кўрсатилади.

Мазкур контрактда кўзда тутилган товарларни етказиб бериш, мазкур шартномага мувофиқ амалга оширилади.

3. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1 Буюртмачининг ҳуқуқлари:

3.1.1 Етказиб берувчидан Шартномани бажариш учун зарур бўлган давлат стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш: Буюртмачи ҳисобидан товарлар ташиб келтирилганда, Етказиб берувчидан транспорт харажатларини қоплаб беришни талаб қилиш, агар мазкур шартноманинг шартларидан бошқа ҳоллар белгиланмаган бўлса;

3.1.2 Етказиб берувчидан жойлаштирилган буюртманномага кўра мазкур шартномага мувофиқ тегишли сифат ассортимент бўйича товарларни етказиб беришни талаб қилиш.

3.1.3 Сифатсиз товар етказиб берилганда ўз ихтиёрига кўра қуйидагилардан бирини талаб қилиш тегишли сифатдаги шунга ўхшаш товар билан алмаштириб бериш; камчиликларни бегараз бартараф этиш;

3.1.4 Етказиб берувчидан мазкур шартнома шартларини бажармаганлиги ёки тегишли даражада бажармаганлиги натижасида етказилган зарарни қоплаб беришни талаб қилиш.

3.2 Буюртмачининг мажбуриятлари:

3.2.1 мазкур шартномага мувофиқўзининг жойлаштирган буюртманомаси бўйича етказиб берилган товарларни қабул қилиш;

3.2.2 товарларнинг қийматини мазкур шартномада белгиланган нархда ва муддатда тўлаш.

3.3 Етказиб берувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

3.3.1 “Буюртмачидан” олдиндан тўлов ва етказиб берилган товарлар учун якуний ҳисоб-китобларни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида кўзда тутилган тартибда ва ҳажмларда амалга оширишни талаб қилиш;

3.3.2 Буюртмачидан жойлаштирган буюртманомага мувофиқ, етказиб берилган товарларни асоссиз равишда қабул қилмаслик натижасида етказилган зарарларни қоплаб беришни талаб қилиш.

3.4 Етказиб берувчининг мажбуриятлари:

3.4.1 Буюртмачига товарларни мазкур шартномага мувофиқ белгиланган муддатда, миқдорда ва сифатда етказиб бериш агар товарларни етказиб бериш жараёнида Етказиб берувчи шартнома шартлари ва меъёрларидан ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигидан четга чиқишга йўлқўйган ҳолларда Буюртмачининг талаби бўйича 10 кун муддат ичида барча аниқланган камчиликларини бегараз бартараф этиш.

3.4.2 Мазкур шартнома белгиланган тартибда мазкур шартнома шартлари ва талаблари ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигига мувофиқ ижро этилиши шарт.

Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг ижросини таъминлаган тақдирда шартнома бажарилган ҳисобланади.

4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИКЛАРИ

4.1 Буюртмачи:

4.1.1 савдоларни ўтказиш учун Такдим этилган ҳужжатларини ишончилиги ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги жавобгардир:

4.1.2 томонлар ўртасидаги шартнома Мажбуриятларини бажариш тугаллангандан кейин беш йил мобайнида савдолар предмети бўйича эълонлар ва техник ҳужжатларнинг асл нусхалари сақланиши учун жавоб беради.

4.1.3 Товарларни танлаб олмастик, шунингдек етказиб берувчи шартномада белгиланган муддатда (даврд) уларни етказиб берганда товарларни олишни асоссиз равишда рад этганлик учун сотиб олувчи етказиб берувчига танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қийматининг 5 фоизи миқдорида, тез бузиладиган товарлар бўйича эса — 10 фоиз миқдорида жарима тўлайди.

4.1.4 Товарлар танлаб олинмаган (олиш асоссиз рад этилган) ҳолларда, етказиб берувчи жарима ундиришдан ташқари, ушбу товарлар мавжудлигининг қанолатларини такдим этган ҳолда, танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қиймати тўланишини талаб қилишга ҳақлидир.

4.1.5 Тўлов талабномаси қабул қилини асоссиз равишда бутунлай ёки қисман рад этганлик, шунингдек ҳисоб-китобнинг бошқа шаклларида товарлар ҳақини тўлашдан бош тортганлик (банк муассасасига тўлов топшириқномасини такдим этмаганлик, чек бермаганлик, аккредитивни такдим этмаганлик ва хоказо) учун буюртмачи махсулот етказиб берувчига ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

4.1.6 Етказиб берилган товарлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун буюртмачи етказиб берувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

4.2 Етказиб берувчи:

4.2.1 савдоларда қатнашиш учун такдим этилган ҳужжатларнинг ишончилиги,

4.2.2 миқдор, сифат, техник параметрлар, шунингдек таклиф этилаётган товарларни етказиб бериш муддатлари ва жойи бўйича етказиб берувчи буюртманомалари шартларининг буюртмачи буюртманомаларида назарда тутилган шартларга мувофиқлиги;

4.2.3 савдолар шартларининг бошқа бузилишлари;

4.2.4 тузилган шартнома шартларининг бажарилмаганлиги учун жавоб беради.

4.2.5 Агар етказиб берилган товарлар сифати, ассортимент ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) қонун ҳужжатларида ёки ҳужжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, сотиб олувчи (буюртмачи) товарларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, етказиб берувчидан сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, агар товарлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар етказиб берганлик учун жарима етказиб берувчидан ақсалтсиз тартибда ундириб олинади.

4.2.6 Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлик етказиб берилмаган, товар етказиб берувчи сотиб олувчига (буюртмачига) кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган

кисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди. бироқ-бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлик етказиб бермаслик, оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

4.2.7 Марка белгиси қўйилмаган ёки лозим даражада маркировка қилинмаган товарларни, шунингдек идишсиз ёки ўралмаган товарларни ехуд тегишли идишга жойланмаган ёки лозим даражада ўралмаган товарларни етказиб берганлик учун етказиб берувчи сотиб олувчига (буюртмачига) бундай товарлар кийматининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Товарлар қабул қилингандан кейин яна жўнатилиши ёки сакланиши керак бўлган ҳолларда сотиб олувчи (буюртмачи) жарима ундиришдақ ташқари, ўз кучи билан, лекин етказиб берувчи ҳисобидан товарларни ўрашга ва идишларга жойлашга, ехуд бир шаҳардаги етказиб берувчидан товарларни ўраб бериш ёки идишларга жойлаб беришни талаб қилишга ҳақлидир.

5. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

5.1 Келишмовчиликлар ва баҳслар келиб чиккан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, муस्ताқил равишда уларни судгача хал этиш чораларини кўрадилар.

5.2 Томонлар келишмовчилик ва баҳсларни хал этиш учун бевосита хўжалик судига мурожаат қилишга ҳақлидир.

5.3 Томонлар хўжалик судига мурожаат қилган тақдирда, суд иши даъвогар жойлашган манзилдаги хўжалик судида кўриб чиқилади.

6. ФОРС-МАЖОР

6.1 Ушбу шартномага асосан мажбуриятларни бажарилмаслиги ҳолатлари енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлар натижасида вужудга келганда томонлар ўз мажбуриятларини бажармасликдан қисман ёки тўлик озод бўладилар.

6.2 Енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатларига томонларнинг иродаси ва фаолиятига боғлиқ бўлмаган табиат ҳодисалари (зилзила, кўчки, бўрон, кургокчилик ва бошқалар) ёки ижтимоий-иқтисодий ҳолатлар (уруш ҳолати, камал, давлат манфаатларини кўзлаб импорт ва экспортни тақиклаш ва бошқалар) сабабли юзага келган шароитларда томонларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имқонини бермайдиган фавқулотда, олдини олиб бўлмайдиган ва қутилмаган ҳолатлар қиради.

6.3 Шартнома томонларидан қайси бири учун мажбуриятларни енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари сабабли бажармаслик маълум бўлса, дарҳол иккинчи томонга бу ҳақда 10 кун ичида ушбу ҳолатлар ҳаракати сабабини далиллар билан тақдим этиши лозим.

6.4 Шартномага асосан мажбуриятларни ижро қилиш муддати ушбу енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлар давом этиш муддатига қадар узайтирилади. Агар енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) таъсири 60 кундан ортиқроқ давом қилса, томонлар ташаббусига биноан шартнома бекор қилиниши мумкин.

7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1 Ушбу шартномала томонларнинг кўзда тутилмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан тартибга солинади.

8. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

8.1 Мазкур шартнома ғазначилик бўлинмаларида мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга қиради ва 2022 йил "31" декабригача амал қилади

8.2 Шартноманинг амал қилиши бир томоннинг ташаббусига кўра ой (бир) давомида бошқа томонга ёзма ариза топширган кундан бошлаб, барча ўзаро ҳисоб-китоблар тугаганлиги муддатидан аввал тўхтатилиши мумкин. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган ҳолларда шартнома бажарилган ҳисобланади.

8.3 Шартноманинг амал қилиш муддатини тугаши томонларни жавобгарликдан озод қилмайди.

9. ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

«ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ»

«БУЮРТМАЧИ»

Номи: "Полвонтош қолипчи қонлари" МЧЖ

Тел: _____

Манзили: Мархамат тумани

Номи: Мархамат туман МТБ

Манзили: Мархамат тумани Шомат МФЙ

Тел: _____

ШХВ: 400522860032277091100251001

Хисоб рақами: 20208000305261786001

Банк номи: Миллий банк Марҳамат филиали

МФО: 00955, СТИР: 307613513

ХХТУТ: 18113

ШХВ*:

СТИР: 305155325, ХХТУТ: 85100

Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги
Ғазначилиги Ягона ғазна ҳисоб варағи

Ғазна х/р: 2340 2000 3001 0000 1010

МБ ББХКМ Тошкент шаҳар

МФО: 00014, СТИР: 201122919

Раҳбар:

Р.Умрзоков

Ф.И.

Раҳбар:

С.Шамшиева

М.У.

Ф.И.



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA**

№ DU17346051

1. Loyihaning turi

Shartnomasi

2. Loyihaning nomi

Polvontosh qolpli nonlari MChJ bilan 2977500 so'mlik maxsulot xarid qilish shartnomasi

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot

Marhamat tuman Maktabgacha at'lim bo'limi tomonidan 31.01.2022 yil kuni taqdim etilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

31.01.2022

Yuridik xizmat ko'rsatish markazi

Bosh yuriskonsulti



B.I.Aliyev